Тошкент оқшоми

2012 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (12.200)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
21
O'ZBEKISTON

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Тошкентдаги Турин политехника университети спорт мажмуасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб аёллар спорт фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтган мазкур спорт байрами Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Турин политехника университетининг биринчи проректори Қ. Шарипов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақалар совриндори Ш. Зоҳидова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон омилига устувор аҳамият қаратишга оид кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларни эъзозлаш, улар саломатлигини асраш, яшаши, таълим олиши, муносиб ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши учун зарур шароит яратишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, миллатимизни янада соғломлаштириш, хотин-қизларни оммавий спортга кенг жалб этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча аёллар, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш, спорт мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аёл мураббийларнинг малака ва маҳоратини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишдаги эзгу ишларга маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам кенг жалб этилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони маҳаллалар фаолларини бу йўналишдаги амалий ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатишга йўналтирилган механизм шакллантирилди.

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИ — ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ТАЯНЧ БЎҒИНИ

Банк-молия соҳаси ушбу механизмнинг таянч бўғини сифатида бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда, мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатиш соҳасида самарали фаолиятни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётганлигини қайд этиш жоиз.

Сўнгги икки йилдан буён нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг даражасига эга бўлиб келаётган Ўзбекистон банк тизими бугунги кунда халқаро мезонларга мос тарзда фаолият олиб бориб, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида таъкидлаганидек, 2011 йилда банклардаги депозитларга 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани эътиборлидир.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

(Давоми 2-бетда)

Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган куни барча фаолларимиз маҳалламиз идорасига йиғилдилар. Жамоамиз суҳбати ўз-ўзидан мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланиб, уларнинг обрў-эътибори ошиб бораётгани ҳақида кечди.

Муносабат

ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижалари маҳалла фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Илгари фақат «справка» ёзиб берадиган маҳалла қўмитаси билан ҳозирги фуқаролар йиғинининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугунги кунда маҳалла давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган ўттиздан ортиқ вазифани ўз зиммасига олган. Маҳалланинг жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашдаги хизматлари катта. Жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий шерикчиликни амалга оширишда ҳам маҳалла фаоллари ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Маҳалламизда уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини тушунтириш, эҳтиёжманд, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга фаол ҳисса қўшиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улардаги масъулият ҳиссини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Касаначилик ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳалламизда кичик цехлар, чинни буюмлар, тикувчилик, мебель ишлаб чиқариш, қандолатчилик бўйича ихчам корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Бу қўшимча иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўзида 50 нафардан ортиқ киши маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ўсмир қизларимиз ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш масаласи доимий эътиборимизда.

Маҳалладошларимизнинг орзу-ниятларидан бохабар бўлиш, ёшлар тарбияси, оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашга доир ишларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг хизматлари алоҳида бўлса, вояга етмаганлар билан ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳаллалардаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашда посбонлар, барча фаоллар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.

Биз, маҳалла фаоллари ўз фаолиятимизда давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳамиша ҳис этиб келмоқдамиз. Маҳаллаларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани, уларга катта ишонч билдирилаётгани, самарали меҳнат қилиш учун барча зарур шароитлар яратилаётгани бизни ғоят руҳлантиради.

Президентимизнинг фармонини мамлакатимиздаги ўн мингга яқин маҳалла ходимлари каби биз ҳам катта қувонч билан кутиб олдик. Бу юксак ишонч бизни янада катта масъулият, фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди. Албатта, қўлга киритилган ютуқларимиздан кўра, ҳали бажарилиши керак бўлган катта вазифалар, ишларимиз бисёр. Уларни муваффақиятли адо этишда давлатимиз раҳбарининг маҳалла тузилмасига кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги бизга улкан куч-ғайрат бағишлайди.

Хайрулла ҲИКМАТОВ,
Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги "Ачаобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси
(ЎзА)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети ҳарбий кафедраси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда энг фаол талабалар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан «Алоқачи» ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳида «Юртимиз тинч – осмонимиз мусаффо бўлсин» номли адабий кеча ва концерт дастури бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан Республика ОИТСга қарши кураш марказида «Энг катта бойлигимиз – тинчлик ва барқарорлик» мавзусида тадбир ўтказилади.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласида миллий қўғирчоқ томоша санъати фестивали ва миллий маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сунгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлмиш 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла хирмонини бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини қўлга киритган юртимиз деҳқон ва фермерлари, барча дала меҳнаткашларига табрик йўллади.

● Самарқанд шаҳрида Осиё «Эртакчилик санъати» қўмитасининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирни Корея Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликда ташкил этди.

● Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамкорлигида яратилган «Банкротлик тўғрисида»ги қонун: шарҳлар ва ҳужжатлар намуналари» номли қўлланма тақдимотига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди. Семинарда қўлланма муаллифлари, хўжалик суди тизимида фаолият олиб бораётган судья ва суд ходимлари, Савдо-саноат палатаси, прокуратура, адлия ва солиқ органлари, тегишли қўмита ва ташкилотлар, тижорат банкларининг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирок этди.

● Ангрен шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ангрен» махсус индустриал зонасида юқори технологик ишлаб чиқаришга асосланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболлари» мавзуида конференция ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, саноат ва қайта ишлаш соҳаларидаги кичик бизнес субъектлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франция ҳудудидаги Альп тоғ тизмасида содир бўлган кўчки натижасида 9 нафар альпинист ҳалок бўлган, яна шунчаси турли даражадаги тан жароҳати олган.

● Америкалик бир гуруҳ астрономлар Плутон сайёрасининг бешинчи йўлдошини топишди. «Хаббл» телескопи орқали ушбу аниқланган самовий жисм диаметри 10 километрдан 24 километргача бўлиб, у топилган йилга ҳамоҳанг тарзда S-2012 дея номланди.

● Канадалик Кристиан Террьен ўғли Сибастьян билан бирга ўрмонни сайр қилиб юрганида оғирлиги қарийб 26 килограммга тенг улкан қўзиқорин топиб олди. Бундан олдин ҳам айнан шу ҳудуддан 11 килограммлик замбуруғга дуч келинганди. Эътиборли томони шундаки, қўзиқоринларнинг ҳар иккаласи ҳам истеъмол қилса бўладиган қўзиқоринлар оиласига мансуб экан.

● Буюк британиялик таниқли ёзувчи Жейн Остинга тегишли узук «Сотбис» кимошди савдосида 152,450 минг фунт стерлингга сотилди.

● Австриянинг Клагенфурт шаҳрида яшовчи икки нафар ташаббускор шахс шаҳар аҳолиси учун QR кодлари орқали уланиш мумкин бўлган виртуал кутубхонани яратишга муваффақ бўлди.

БАНК–МОЛИЯ СОҲАСИ — ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ТАЯНЧ БЎҒИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шу асосда уни тўғри шакллантиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимиз банк тизими фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ҳам Марказ тадқиқотларидан алоҳида ўрин олган.

Илгарироқ матбуотда омма эътиборига ҳавола этилган 2011 йил якунлари асосидаги социологик сўров натижалари орқали кенг жамоатчиликка бу борада муҳим ахборот берилган эди. Навбатдаги тадқиқот 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари юзасидан амалга оширилди. Ушбу социологик сўров «Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармон доира вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри» мавзусида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг мазкур сўровида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган, жумладан, оилавий бизнесни ташкил этаётган, мамлакатимизнинг қишлоқ жойлари ва чека ҳудудларида яшовчи аҳоли вакиллари қамраб олинди. Респондентларни танлаш жараёнида тадбиркорлик соҳасининг барча тоифалари (оилавий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирмалар)га алоҳида эътибор қаратилди.

Сўров натижалари мамлакатимизда оқилона ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида банк тизими давлат ва жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаганини яна бир бор тасдиқлади. Энг муҳими, банклар бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларининг амалга оширилишида фаол иштирок этаётганлиги ҳамда тижорат асосида фаолият юритиб, маблағлар самарадорлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратаётганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Халқимиз орасида яхши кунларга атаб жамғарма йиғиш кенг ёйилган. Бугунги кунда бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз банклари томонидан аҳоли учун қулай ва жозибадор бўлган миллий ва чет эл валютасидаги кўплаб омонат турлари таклиф этилмоқда. Банк тизимининг аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича олиб бораётган бундай ишларига сўралганларнинг кўпчилиги (96,1 фоизи) юқори баҳо берди.

Аҳолининг омонатга пул қўйишида ҳал қилувчи омиллар сифатида «банкка бўлган ишонч» (94,3 фоиз) ва «юқори даражада хизмат кўрсатиш» (91,7 фоиз) қайд этилди. Бу масалада давлатнинг ўрни ҳам сўров натижаларида яққол кўринди.

Тижорат банкларида сақланаётган омонатлар тўлиқ давлат томонидан кафолатлангани аксарият жавобларда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг асосий қисми бўш пул маблағларини банкка омонатга қўйишни маъқул кўришини билдирди.

Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга молиявий хизмат кўрсатиш ишларидан респондентларнинг катта қисми (95,6 фоизи) мамнунлигини таъкидлади, шунингдек, тўловларни амалга оширишда муаммолар йўқлиги, жорий этилган электрон тўлов тизимининг қулайликлари ҳақида ижобий фикрлар баён қилинди.

Сўров натижаларига кўра банк пластик карточкалари аҳолига тобора маъқул келаётганлиги маълум бўлди. Жавобларда пластик карточкалардан фойдаланиш қулайлиги ҳамда ҳар қандай тўловни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги, шу билан бирга пластик карточкалардан фойдаланиш янада самарали бўлиши учун тўлов терминалларини кўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Респондентлар мамлакатимиз банк тизимида тўловларни амалга оширишда мижозларга қулайликлар яратилаётгани, айниқса, замонавий телекоммуникация воситаларининг тобора кенг жорий этилаётгани ҳақида ҳам алоҳида фикр билдирдилар. Банкомат, инфокиоск ва бошқа ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари тармоғи фаолиятига ижобий муносабат билдирилиб, уларнинг қулайлиги, тўловлар ва операциялар бир зумда бажарилиши мамнунлик билан қайд қилинди.

Банк операцияларини масофадан бошқариш хизматлари – интернет-банкинг, смс-банкинг, мобил-банкинг хизматлари ҳақида ўз муносабатини билдирган респондентлар ушбу қулайликлар пул маблағларини тезкор тарзда бошқариш ва вақтни тежаш имконини беришини, банкларга ортиқча қатнашга эҳтиёж йўқлигидан мамнун эканликларини ҳамда бундай қулай хизмат турларини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар.

Сўров натижасида жойларда мамлакатимиз тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш кўлами ва даражаси ҳақида зарур маълумотлар олинди. Натижада «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Халқ банки», «Саноат қурилиш банки», «Миллий банк», «Асакабанк» каби банклар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш соҳасида кенг фаолият юритаётган етакчи тижорат банклари сифатида эътироф этилди.

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига кредит бериш борасидаги ишидан тадбиркорларнинг катта қисми – 91,2 фоизи мамнунлигини қайд этди. Кўпчилик тадбиркорлар банкдан кредит олишда ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчиликлар йўқлигини, кредитлаш бўйича белгиланган барча қоидаларга амал қилинган ҳолда энг юқори даражада хизмат кўрсатилаётганини, банк операциялари ўз вақтида бажарилаётганини кўрсатиб ўтдилар.

Тижорат банкларидан кредит олиш учун тақдим қилинган бизнес лойиҳалар мақсадларини ўрганиш натижасида қуйидаги йўналишлар устуворлиги эътироф этилди: бошланғич капитални ва айланма маблағларни шакллантириш, энг янги технологияларга асосланган ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш, замонавий талаблар асосида бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, корхонани илғор технологиялар асосида модернизация қилиш ва бошқалардир.

Шунингдек, банкларнинг микрокредитлаш фаолияти ёрдамида тадбиркорликни бошлаш учун катта имкониятлар вужудга келаётгани, банк тизимида мазкур кредитлаш асосида тадбиркорликни ёшлар ва аёллар ўртасида ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганини респондентларнинг 92,8 фоизи эътироф этганлиги буни тасдиқлайди. Шунингдек, фаолиятини микрокредит асосида бошлаган тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш кўникмалари шаклланиб, кейинги босқичда йирик миқдорда кредитлар олиш имкониятлари кенгаяётгани ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар самараси бўйича ҳам ижобий фикрлар билдирилди.

Жумладан, мазкур имтиёзли микрокредитлар ёшларнинг ўз бизнес ғояларини амалга ошириши учун катта имконият яратмоқда, уларнинг ўзини ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар самараси ҳам сўров натижаларида алоҳида қайд этиб ўтилди. Ушбу кредитлар соҳани ривожлантириш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётгани, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига яқиндан ёрдам бераётгани, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб, янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса қўшаётгани кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида аёлларнинг фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган дастурларни амалга ошириш доирасида тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ўз самарасини бераётгани ҳам қониқиш билан қайд этилди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 91,6 фоизи тижорат банклари томонидан тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш яхши йўлга қўйилганини таъкидлади. Улар томонидан «имтиёзли кредитлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини янада оширишга, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш ва моддий фаровонлигини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашади, хотин-қизларнинг иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга салмоқли ҳисса қўшади», деган фикрлар билдирилди.

Умуман олганда, сўров жараёнларида тадбиркорлик субъектлари томонидан билдирилган фикрлар кредит олиш бўйича банкларга тақдим этилаётган бизнес лойиҳаларнинг ҳозирги кун талабларига тўла мос келаётганлигини кўрсатади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўрови натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимизда тадбиркорларга ғамхўрлик ва банк тизимига ишонч уйғунлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг кўламда молиялаш жараёни жамоатчилик, шу жумладан, ишбилармон ва тадбиркорлар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган кенг кўламли банк-молия хизматлари халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис депутатларнинг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишлари билан бошланди. Мазкур ҳужжат амалдаги норматив-ҳуқуқий базани «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилгандир. Қонун лойиҳасида хатланган мол-мулкни реализация қилиш, аукцион савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби аниқ баён этилган. Чунончи, автомототранспорт воситаларини реализация қилиш ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари томонидан очиқ аукцион шаклидаги кимошди савдосида, кўчмас мулкни реализация қилиш эса риэлторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни самарали ҳал этиш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини кенг қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасида «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унда, хусусан, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг суд тартиби, жиноят ишларини кўзғашни судларнинг ваколатлари таркибидан чиқариб ташлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор бошқа масалалар назарда тутилмоқда. Моддама-модда муҳокама якунларига кўра қонун қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда парламентнинг қуйи палатаси аъзолари фуқаролар томонидан уларни турган жойи бўйича қайд этиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни такомиллаштиришга, шунингдек, давлат ёнғин хавфсизлиги назорати органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва қабул қилдилар.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кўриб чиқилган яна бир муҳим ҳужжатдир. Қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлари бўлмаган мансабдор шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиққанлик ва текширишлар ўтказганлик, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турганлик, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги ҳақида ахборот тақдим этишни талаб қилганлик учун жавобгарликни жорий этиш назарда тутилган.

Депутатлар бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар. Чунончи, ер қаъридан фойдаланишдаги қоидабузарликларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси, шунингдек, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатларини амалдаги «Рақобат тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси шулар жумласига киради.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллаб, бу ҳужжатларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Мазкур қўмиталарга қонун лойиҳаларини келиб тушган таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказиш ва ушбу ҳужжатларни навбатдаги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Маҳалламизда беш минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди Олмазор туманидаги «Янги Себзор» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муродбекова. – Хотин-қизлар, ўсмир болалар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Маҳалламиз ҳудудидаги 310- ва 146-мактаблардаги гимнастика залларига, сузиш ҳавзаларига хотин-қизлар, шу жумладан, уй бекалари ҳам фарзандлари билан биргаликда қатнайдилар. Ушбу спорт фестивалида ҳам маҳалламиз аёллари айниқса гимнастрада йўналишида катта қизиқиш билан қатнашди.

– Аёл ўз оиласида, маҳаллада, меҳнат жамоасида юксак хулқи, муомаласи, ишга муносабати билан барчага ўрнак бўлмоғи зарур, – дейди Яккасарой туманининг «Ўрикзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Наргис Раҳимова. – Спорт инсонни жисмонан чиниқтириши билан биргаликда қатъий тартиб-интизомга, соғлом ва мустақил фикр юритишга ўргатиб, иродасини тоблайди. Хайрихоҳлик, ўзгалар ютуғи учун қувониш, бағрикенглик сингари фазилатларни мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилади. Енгил атлетиканинг югуриш тури бўйича спорт фестивалида иштирок этдим.

Аёллар спорт фестивали мусобақаларида иштирокчилар волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Коммунал хизмат

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Бугунги кунда аҳолини нафақат ичимлик суви, электр энергияси, балки табиий газ билан узлуксиз таъминлаш ҳукуматимиз ва тегишли вазирлик, идоралар олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган «Мирободтумангаз» филиали жамоаси жорий 2012-2013 йилги куз ва қиш даврига пухта ҳозирлик кўриш мақсадида ҳудуддаги мавжуд газ қувурларини кўздан кечириш, назоратдан ўтказиш, таҳлил қилиш ва шу асосда мавжуд камчиликларни бартараф этишга астойдил киришган.

— Ахир «Қиш ғамини ёзда е», деб бежизга айтишмаганку, — дейди биз билан суҳбатда «Мирободтумангаз» филиали раҳбари Абдураҳмон Абдумурсалов. — Шу боис ҳозирданоқ ҳудудимиздаги мавжуд юқори ва ўрта босимли газ тартиблаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Шу пайтга қадар шундай газ тартиблаш пунктларини таъмирлаш ишларининг қарийб 75 фоизи, ГТПларни бўёқдан чиқариш ишлари эса 166 фоизга уддаланди.

Шунингдек, ер усти газ қувурларини бўяш, зулфинларни таъмирлаш ишлари ортиғи билан бажарилди. Айни чоғда ер усти газ қувурларини тиклаш, ҳаво йўли ва тутун мўриларини текшириш ва мавжуд зулфинларнинг яроқсизи ўрнига янгиларини ўрнатиш ишларини ниҳоясига етказишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Туман филиали раҳбари маълумотларига шуни қўшимча сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳудуддаги газ тармоқлари ўтган жойларда мутахассисларнинг жиддий ишга киришганини кузатиш мумкин. Жорий йилнинг сентябрь ойига қадар куз-қиш мавсумига тайёргарлик тўлиқ якунланиши режалаштирилган. Табиийки, бу ўз навбатида истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлашга пухта замин яратади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: туман газ таъминоти идораси ишчи-хизматчилари навбатдаги иш режаларини маслаҳатлашишмоқда

«Мустаҳкам оила йили» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан «Тошкент трактор заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Белдирсой» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги» шиори остида «Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирлар

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ОБОД ВАТАН КЕЛАЖАГИ

Ёшларни Ватанга муҳаббат, она заминга ҳурмат, Истиқлолга садоқат ва мустақиллик неъматларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятини дам олувчи ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, мустақил Ўзбекистондаги маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, бугунги кунда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини содда тилда болажонлар онгига сингдириш мақсадида уюштирилган тадбир ниҳоятда мароқли ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида яратилган шарт-шароитлар, уларнинг келажагини ўйлаган ҳолда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталиб ўтишди. Болажонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Жойларда бундай тадбирларнинг ташкил этилиши келажак авлоднинг маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлади дейишимиз мумкин.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА



ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС ҒОЯЛАР АНИҚЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2008 йил 6 мартда «Микрокредитбанк» ОАТБ, 2011 йил 16 мартда «Агробанк» ОАТБ билан имзоланган битимига асосан «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳалари юзасидан мана бир неча йилдирки, танловлар ўтказиб келинади.

Танловнинг асосий мақсади ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, ёшларнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва ўз бизнесларини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Жорий йилда «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» танловларида иштирок этиш учун Тошкент шаҳридан жами 200 нафарга яқин ёш тадбиркорлардан аризалар келиб тушган бўлиб, шундан танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш учун 35 нафар ёш тадбиркор йўлланма олган, улар учун жорий йилнинг 5-7 июль кунлари International hause Tashkent академик лицейида 3 кунлик махсус семинар-тренинг ўтказилганди.

Яқинда Тошкент Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ҳамкор ташкилот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари лойиҳанинг 35 нафар Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари бизнес-режасини баҳолаб, улар ичидан 6 нафар энг яхши бизнес ғоя эгаларини аниқлашди. Бунда «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳасида Т. Ҳамдамов, М. Мирпўлатова, С. Бахтиёровлар ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳасида С. Йўлдошев, А. Маҳмудов, Г. Муродоваларнинг бизнес ғояси ғолиб чиқиб, лойиҳанинг республика босқичига йўлланма олишди.

– Мен лойиҳада болаларни соғломлаштиришга мўлжалланган марказ очиш тўғрисидаги бизнес ғоям билан иштирок этдим, – дейди Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежининг 3-босқич талабаси М. Мирпўлатова. – Марказнинг бошқа соғломлаштириш масканларидан фарқи шундаки, бу ерда болаларни спортнинг йога, гимнастика, енгил атлетика турлари билан шуғуллантириш орқали уларга шифо берилади.

Ҳайъат аъзолари томонидан аниқланган ғолиблар бизнес ғоялари «Агробанк» ОАТБ ҳамда «Микрокредитбанк» ОАТБларнинг филиаллари томонидан молиялаштиришга йўналтирилади.

Тақдимот сўнггида танлов иштрокчилари сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ФЕСТИВАЛЬ ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги «Геология» музейида 30 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. Эндиликда музей ҳақиқий маънода маърифат маскани сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Буни келиб-кетувчилар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юртимиз ёшларини мана шу бойликка меҳрли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг таътилидан фойдаланиб, пойтахт мактаблари миқёсида фестиваль ўтказилди. Бу тадбир ёшларнинг ер ости бойликларига бўлган қизиқишларини ҳамда билимларини янада оширди. Шу сабабли келгуси йилдан бошлаб мазкур фестивални мамлакат бўйича ўтказишга қарор қилинди. Кейинги йилларда «Геология» музейи ўз фаолияти доирасини кенгайтириб, яна бир муҳим йўналишга — Ўзбекистон учун ноанъанавий минерал хом ашёларини излаб топишга эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бу ишга юртимизнинг таниқли геолог олимлари жалб этилди. Натижада ўнлаб янги минерал ва кристаллар топилдики, эндиликда улар ўзбек олимлари номи билан атала бошланди.

Феруза ШЕРОВА

Кейинги йилларда мамлакатимизда эстрада санъати кенг ривож топмоқда. Эстрада хонандачилигига ҳам эътибор кучайди.

Санъат

КАТТА ОРКЕСТР СИНФИ КОНЦЕРТЛАРИ

— Бу йўналиш аслида ҳаётда ўз кўринишига эга бўлса ҳам, таълимда у ҳали шаклланмаган эди, — дейди таниқли бастакор Ойдин Абдуллаева. — Шу нарса аёнки, халқимиз орасида кўзга кўринган эстрада хонандалари кўп. Лекин улар мактаби илмий-услубий жиҳатдан асослаб берилмаган эди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Эстрада чолғу ижрочилиги» кафедраси ташкил этилиши билан қатор муаммолар ўз ечимини топди. «Ижрочилик амалиёти», «Педагогик амалиёт», «Жаҳон мумтоз мусиқа адабиёти», «Сольфеджио», «Гармония» каби курсларга ажратилган дарс соатлари кўпинчи амалий руҳда ўтади. Бинобарин, катта оркестр синфи юзага келди. Унда талабалар турли эстрада чолғу асбоблари воситасида аввало ўзбек композиторларининг, қолаверса, ғарб мусиқа классиклари асарларини ижро этишади. Кейинги бир неча йил мобайнида катта оркестр синфи кўплаб концертлар берганлигини ижобий ҳодиса сифатида айтиб ўтиш жоиздир.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими бўш ўрнига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даража ёки педагогик ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1.Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол.

2.Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси.

3.Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлса).

4.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

5.4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

6.Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 1 ой муддатда қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳужжатларини ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20 а-уй.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биноси.

Тел: 239-41-12, 239-88-24.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. «УАЗ-452», д/р. 11 L 4829 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 260 441 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «ИЖ 21-25», д/р. 11 I 2296 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 187 541 сўм. 3. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. «УАЗ-452», д/р. 11 N 2357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 304 910 сўм. 4. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. «FORD», д/р. 11 W 9962 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 013 897 сўм. 5. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «ВАЗ-21-02», д/р. 11 P 6347 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 142 343 сўм. 6. 14.11.2011 й. № 13128-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. «УАЗ-452Д», д/р. 11 M 3476 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 801 547 сўм. 7. 14.11.2011 й. № 13126-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. «Ваз-21011», д/р. 11 S 9211 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 145 772 сўм. 8. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Ваз 2108», д/р. 11 W 991 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 906 170 сўм. 9. 22.11.2011 й. № 13297-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. «HAFEI», д/р. 11 J 865 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 424 159 сўм. 10. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Ваз 21-02», д/р. 11 V 872 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 298 312 сўм. 11. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. «Газ-21», д/р. К3894ТШ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 175 310 сўм. 12. 15.02.2012 й. № 3913-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. «Ваз 21011», д/р. 11 K 5047 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 909 170 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 13. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. «ГАЗ-5201», д/р. 11 C 6984 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 129 950 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Зафар АТС х/к омборида сақланмоқда. 14. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. «ДТ-75», д/р.сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 637 955 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Зафар қурилиш инвест МЧЖ омборида сақланмоқда. Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: 15. 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. «Москвич 412», д/р. 11 S 845 BA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 008 942 сўм. 16. 26.10.2009 й. № 20789-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «Ваз 2106», д/р. 11 Y 4226 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 173 463 сўм. 17. 19.09.2011 й. № 10161-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. «Ваз 21083», д/р. 10 A 543 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 942 077 сўм. 18. 16.01.2012 й. № 335-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. «Espero», д/р. 40 W 901 BA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 363 000 сўм. 19. 16.01.2012 й. № 334-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. «ГБА Дамас СПГ», д/р. 11 A 272 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 095 806 сўм. 20. 16.01.2012 й. № 333-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. «Ваз 21011», д/р. 10 N 365 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 314 000 сўм. 21. 16.01.2012 й. № 335-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Газ 5327», д/р. 10 885 RAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 397 000 сўм. 22. 06.10.2011 й. № 10376-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. «Ваз 2102», д/р. 11 T 7056 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 796 012 сўм. 23. 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Ваз 2105», д/р. 11 G 2126 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 757 240 сўм. 24. 17.06.2010 й. № 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «Газ 24», д/р. 11 T 8467 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 892 596 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 25. 30.11.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 2005 й. «Ваз 2107», д/р. 11 AK 870 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 920 220 сўм. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл Савдо Файз Барака МЧЖга қарашли 2-омборхона биносида сақланмоқда. 26. 07.05.2012 й. № 5-991-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «ГБАСПГГАЗ-24», д/р. 10 A 319 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 017 934 сўм. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл Савдо Файз Барака МЧЖ автогаражида сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 27. 02.02.2011 й. № 658-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. «SINOTRUK HOWO», д/р. 01 425 QAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 80 385 811 сўм. Зафар АТСда сақланмоқда. Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 28. 22.06.2012 й. № 9590/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «Камаз 5320», д/р. 11 X 0082 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 378 322,4 сўм. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон қ.ф.й., Тинчлик кўчаси, 27-уйда сақланмоқда. 29. 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. «УАЗ 452», д/р. 11 F 2438 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 833 760 сўм. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ қ.ф.й., Олимлар даҳаси кўчаси, 30-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 14 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 14 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 29 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

Тошкент молия институти томонидан 2009 йилда Авлиякулов Абдурахим Абдурашитович номига берилган 753 рўйхат рақамли В422713 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

№	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш	Закалат миқдори	Бошланғич баҳоси (Сўм ёки АҚШ долларида)	
					Сўм	АҚШ доллари
1	"KESHMARBLE" МЧЖдаги улуш	Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Нажим Нугаев кўчаси,11-уй.	100 фоиз	10 фоиз	2 016 633 000	1 093 915,38
2	"GAZALKENT STONE" МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1.	100 фоиз	10 фоиз	5 380 000 000	2 918 361,81

Аукцион савдоси 2012 йил 16 август куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 14 август куни соат 18:00.

Юқоридаги улушлар 2012 йил 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 23 ва 30 август кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 23 августдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 21 август куни соат 18:00; 30 августдаги савдолар учун 28 август куни соат 18:00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан 1 (бир) йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулни савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўловини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) да ёки миллий валюта (сўм) да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ОИЛАВИЙ МАРАФОН

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Соғлом оила – мустаҳкам жамият – барқарор мамлакат» шиори остида оилавий спорт марафони бўлиб ўтди.



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, БМТнинг Аҳолишунослик (UNFPA) жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу спорт-соғломлаштириш тадбирида Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш, турли хасталикларнинг олдини олиш, халқимизнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичини сезиларли даражада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларга маҳаллалар фаоллари кенг жалб этилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони маҳалла маслаҳатчилари, фаолларининг бу борадаги илғор тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришга хизмат қилади.

– Юртимизда қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди 195-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Севара Ҳасанова. – Бундай спорт мусобақалари таътил давридаги бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш, шаҳримизнинг турли маҳаллаларидаги қизлар билан танишиш имконини берди.

– Марафонда маҳалламиздаги оилалар фаол қатнашди, – дейди ЎзА мухбирига Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева. – Маҳалламизда ташкил этилган ўндан зиёд спорт тўгараклари болалар билан доим гавжум. Бундай соғломлаштириш тадбирлари хотин-қизлар, ёшларда ўз саломатлигига бўлган эътиборни, масъулиятни оширишга хизмат қилади.

Оилавий спорт марафони доирасида болалар учун асфальтга расм чизиш бўйича танлов ҳамда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган кадетлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар битта олтин, еттита бронза медаль жамғарди.

«Осиё чемпионати – 2012»

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛА мусобақалари тақвими бўйича Қирғизистонда бўлиб ўтган мазкур чемпионатда қитъамизнинг ўндан зиёд мамлакатидан 250 нафарга яқин ўсмирлар ва қизлар ғолиблик учун курашди.

Юнон-рум кураши бўйича 42 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Исломжон Баҳромов Хитой Тайпейи вакили Чиа-Чиен Лиу, тожикистонлик Фаридун Тиллоев, Жанубий кореялик Сон Хи Донг устидан зафар қучиб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Юнон-рум курашчиларидан Мирзобек Раҳмонов, Арам Варданян, эркин кураш баҳсларида Азамат Рўзметов, Сирожиддин Ҳасанов, Феруздек Аҳмедов, қизлар ўртасида Зуҳра Отамуродова ҳамда Азиза Муштоқова учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

ГИДРОГЕОЛОГИК ХАРИТАЛАР

«Ўзбекистонда сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш: анъаналар, қонунчилик, фан ва таълимга таянган технологиялар» деган мавзуда пойтахтимизда ўтказилган халқаро анжуманда юртимиз мутахассис олимлари ҳам фаоллик кўрсатдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги сув муаммолари институти олимларининг чиқишлари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сув муаммолари илмий муассасаси томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда соҳага доир муҳим муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Замонавий географик ахборот тизимларини қўллаган ҳолда Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларидаги гидрогеологик аҳвол районлаштирилиб, зарурий харитлар ишлаб чиқилди. Йирик тадқиқотлар ёрдамида намликнинг мураккаб тузилмали тупроқда сингиш жараёни ҳам ўрганилди. Кўп фазали аниқликлар математик модель ёрдамида ўрганилгач, суғориш усуллари ва унинг оптимал параметрлари аниқланди. Тавсия қилинган натижалардан лойиҳа, қурилиш, сув хўжалиги ташкилотлари олимлари фойдаланмоқдалар. Масалан, лойиҳалардан бири Қизилқумдаги 60 гектарлик майдонда қўлланилиб, Навоий вилояти аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асос бўлиб хизмат қилди. Йирик балиқчилик ҳавзаларининг экологик аҳволини баҳолаш ва биологик маҳсулдорликни ошириш дастурида ишлайдиган компьютер тизимларини яратишга ҳам эришилди. Сув объектлари экологик хавфсизлигини аниқловчи кўрсаткичларни замонавий талабга мослаштиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёзги таътилини мароқли ўтказиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳам бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир.

Шу кунларда «Зилола» оромгоҳи қарийб уч юз нафар ўқувчи-ёшларни ўз бағрига олган. Оромгоҳда ташкил этилган ўнга яқин тўгарак, турли кўрик-танлов ва беллашувлар ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Зилола» болалар оромгоҳида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзуида байрам тадбири ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

«Ёз – 2012»

ОРОМГОҲДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

ўтказилган тадбирда олимлар, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари Ватанимиз истиқлолининг қўлга киритилиши тарихи, бу азиз неъматни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашда ёшлар олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб берди.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада ўқувчиларнинг ижодий ишлари намойиш этилди. Ватан, истиқлол, тинчлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради.

(ЎзА)

Ёш болалар ва гўдаклар ўртасида юқори нафас йўллари, фарингит, бронхит, пневмония касалликлари учраб туради. Бу касалликларга иқлим шароитлари, ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, намгарчилик сабаб бўлиб, унга камқувват, камқон, кам ҳаракатдаги болалар тез чалинади.

Ўпка яллиғланишининг кўпчилик турлари бола совқотганда, ташқи ҳарорат кескин ўзгарганда, чиниқмаган болаларнинг совуқ сувда чўмилганида ривожланади. Ўткир тумов — юқори нафас йўлларининг шамоллаши энг кўп учрайдиган касалликлардан бири. Кўп ҳолларда бола танаси совқотганда тумов бошланиб, оғиз қурийди ва орадан бир неча соат ўтгандан сўнг бурундан сув оқади. Ўткир тумовда бош оғрийди, тана ҳарорати кўтарилади, кўз қизариб, ёш оқади.

Ўткир фарингит — ютқин шиллиқ пардасининг яллиғланиши, аксари шамоллаш бурун ва халқумдан пастга тарқалганда пайдо бўлади. Бу касалликда оғиз қурийди, халқум қирилиб оғрийди ва ютиш қийинлашади. Томоқ қизариб, тана ҳарорати бир оз кўтарилиши мумкин. Гўдак болаларда нафас олиши оғирлашади.

Ўткир ларингит — ҳиқилдоқнинг ўткир яллиғланиши, кўпинча ўткир тумовдан кейин бошланади. Одатда касаллик баданнинг совқотишида пайдо бўлади. Ўткир ларингитда ҳиқилдоқ қизаради, товуш хириллаб, дағал бўлиб қолади, бемор аввал қуруқ йўталади, кейин балғам ташлайди. Гўдак болаларнинг томоғи бўғилиб қолади. Ўз вақтида даволанса бемор тезда тузалади.

Ўткир бронхит — одатда тумовдан бошланиб фарингитга, ларингитга, транхитга, сўнг бронхитга айланади. Болалар жуда совқотганда, совуқ ҳаводан нафас олганда бронхит пайдо бўлишига қулай шароит яратилади. Бронхитнинг асосий аломати шуки, бемор аввал қуруқ йўталади, орадан бир неча кун ўтгач балғам ташлайди. Бемор болалар йўталганда қизариб ва кўкариб кетади ҳамда ҳаракати сусаяди. Ўткир бронхит енгил ва оғир кечиши мумкин. Ўз вақтида тўла-тўкис даволанмаса, касаллик сурункали турга айланиб кетади ва у бир неча йилларга чўзилиб вақти-вақти билан қўзғаб туради. Болаларнинг доимий йўталиб ҳансираши, лоҳаслик, нафас қисиши, бўшашиши сурункали бронхитнинг асосий аломатидир. Бу аломатлар пайдо бўлса беморни дарров шифокорга кўрсатиш лозим.

Зотилжам (пневмония) — ўпка тўқималарининг яллиғланиши бўлиб, унда бронхлар ва уларнинг жуда майда тармоқлари — бронхиолалар зарарланади. Зотилжам мустақил касаллик ёки бошқа касалликларнинг асорати сифатида пайдо бўлиши мумкин. Касаллик аста-секин бошланади, унинг аломатлари аниқ бўлмайди. Нимжон болалар зотилжам билан кўпроқ оғрийдилар. Бола қанчалик ёш бўлса, касаллик шунча хавфли ўтади. Зотилжам касаллиги бронхитдан бошланади. Бола иситмалаб калта-калта йўталади, ҳаллослайди, баъзан бурун катаклари керилиб кетади. Айрим гўдак болаларда оғзидан серкўпик сўлак оқади, лаблари кўкариб, юзининг ранги оқариб қолади. Бундай зотилжам кўпинча узоқ давом этади, чунки ўпкада янгидан-янги яллиғланган тўқима пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда етарли дори-дармонлар ва шифокорларнинг самарали меҳнатлари туфайли болаларнинг зотилжам касаллигидан нобуд бўлишлари камайди.

Мутахассис маслаҳати

БОЛАЛАРНИ ШАМОЛЛАШДАН АСРАНГ

Юқорида таъкидлаб ўтилган касалликлар аломатлари пайдо бўлганда тезда шифокорга мурожаат қилиш шамоллашнинг олдини олишда асосий омил бўлиб, бунинг баробарида болаларни ёшликдан чиниқтириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чиниққан болага ҳароратнинг (совуқ ва иссиқ) кескин ўзгариши унча билинмайди, камдан-кам шамоллайди. Ҳар бир ота-она боласини чиниқтириш йўли билан шамоллашдан асраши мумкин. Чиниқтиришнинг энг оддий усуллари ҳавода чиниқтиришдир. Бу усулни ҳар бир ота-она шифокор маслаҳати билан ўзи бажариши мумкин. Болани ҳар куни тоза ҳавода сайр қилдириб туриш лозим. Бундан ташқари, болаларнинг кўрпа-тўшаги, каравоти, сочиғи ва бошқа буюмлари алоҳида бўлиши керак. Болалар ётадиган ва ўйнайдиган хоналарни ҳар куни вақти-вақти билан шамоллатиб, ҳавосини янгилаб, полларини ҳўл латта билан артиб туриш зарур.

Оилада ёки болалар муассасаларида болалар мунтазам равишда чиниқтириб борилса, ўз вақтида сифатли овқатлантирилса, шамоллаган болаларга яқинлашмаса, касалликлардан холи бўладилар. Афсуски, баъзи ота-оналар болада шамоллаш аломатлари пайдо бўлганда, ўз вақтида шифокорга олиб бормай, маслаҳатлашмасдан уйда ўзлари даволашга ҳаракат қиладилар. Агар тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қараганда, уйдаги муолажа ўзидан турли асоратлар қолдириши мумкин.

Шундай қилиб болаларни шамоллаш касалликларидан сақлаш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан уйғун ривожланган, соғлом, хушчақчақ қилиб ўстириш, айниқса, ота-оналарга боғлиқ. Болаларнинг кийимлари доимо қуруқ ҳамда яхши ҳаво ўтказадиган ва нам бўлмаслиги ҳамда уларни ҳаво ҳароратига мослаб кийинтириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Ҳурматли ота-оналар! Юқорида айтиб ўтилган маслаҳатларимизга амал қилсангиз, фарзандларингиз соғ-саломат бўлиши ва баркамол ўсишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

А.ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Ўз-ўзи ўргангич доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ишинг юришаверса, кайфиятинг кўтарилаверади.

* * *

Ўзига ҳисоб бермаган ўзгага азоб беради.

* * *

Инсоннинг улуғлиги ҳам, хорлиги ҳам тарбиядан.

* * *

Баъзи ишларнинг охири кўринмайди.

* * *

Яхши бир йўлини топиб кетади.

* * *

Қўлидан иш келадиган киши хор бўлмайди.

* * *

Ўқишдан тўхтаган ўсишдан тўхтайди.

* * *

Кўпчилик бола тарбиясини бошқаларга – боғчага, мактабга юклаб қўяди.

Билмайдиларки, қуш уясида кўрганини қилади.

* * *

Ёмон тарбиядан ота-онагина эмас, бола-чақанинг ўзи ҳам зиён кўради.

* * *

Ақл ва тафаккур ёрдамида ҳамма нарсанинг тагига етса бўлади.

* * *

Баъзи ишлар ўз-ўзидан бўлиб кетади.

* * *

Бир умр ўйлаб эзилган нарсанг баъзан бир кунда ҳал бўлиб кетади.

* * *

Кимнинг қуроли иш, кимнинг қуроли сўз.

* * *

Ким иши билан курашади, ким сўзи билан.

* * *

Ўзига ишонганга ишон.

* * *

Ўзига ишонган қатъиятли бўлади.

* * *

Ёлғончи аввало ўзини алдайди.

* * *

Эҳтирос кўпинча кишини хор қилади.

* * *

Биз ўзимизни севганларнинг қадрига етмай, бизни назарига илмайдиганларга хушомад қиламиз.

* * *

Нодон ҳеч қачон тўғри қарор қабул қилолмайди.

* * *

Ақл қанча калта бўлса, даъво шунча катта бўлади.

* * *

Ҳаёт барибир ўз сўзини ўтказади.

* * *

Ота-оналар болаларидан моддий ёрдам эмас, маънавий мадад кутишади.

* * *

Яхши одам қанча узоқ яшаса, шунча кўп яхшилик қилади.

* * *

Дунё ҳеч қачон яхшилардан бўшаб қолган эмас.

* * *

Яхшилар – оламнинг маънавий устунлари.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 июлда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1–3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **17 июль** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3–8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19–21, кундузи — 36–38 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9225

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ